

Дам солишдаги таъсир

09:05 / 25.03.2018 6942

Савол:

Ассалому алайкум! Аниқ эсимда йўқ, лекин эсимда қолгани бир киши фарзандига дам солдиргани олиб боради, дам солган инсон унинг фарзандига «Ихлос» сурасини аввалги 2 оятини ўқиб дам уради. Бу одам йўлда келаётганида бир одамга шикоят қилиб фақат «Ихлос» сурасини 2 оятини ўқиб дам урди халос деса халиги одам сизга 2 оятни марҳамат қилибди дебди. Саволим шундан иборатки аввалги инсонларга фақат бир оят кифоя қилган бўлса нега ҳозир бутун бир суралар ҳам таъсир кўрсатмаётгандай? Ёки дам урувчилар тўлиқ сураларни тўғри талаффуз қилолмаётганиданми ёки дам солдирувчи шариат чизиғидан чиққаниданми?

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Ҳозирги кунда аксар дам солувчиларни ақийдалари тўғри эмас, фарзларга безътибор, ҳаётлари суннатга хилоф, ғайбни даъво қилувчилари қанча. Аммо илмига амал қилувчи, соф эътиқодли олимларимизнинг ҳолатлари ҳозир ҳам шундай. Устозимиз раҳимахуллоҳнинг ҳузурларига жин текканлар келиб ҳузурларидан жинлардан қутилиб кетганларига ҳам гувоҳ бўлганлар бор. Албатта саҳобалардаги иймон, ишонч, яқийн, ихлос ҳозирги кундагиларда у даражада топилмаслиги аниқ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан бошқаларнинг орасидаги фарқни қуйидагича таърифлаганлар.

نَبِيٌّ وَوَدِيْلٍ وَّلَا نَبِيَّ دَلَّاحٌ نَبِيٌّ نَاكٌ : لَأَقُوهُ نَعْلُهُ لَلْإِيضَرِّ دِيْعَسِ يَبْأَنَعُ
هَلَلِ لَيْلٍ صَهْلٍ لَوُسْرٍ لَأَقُوهُ دَلَّاحٌ عَسَفٌ يُغْيِشِ فَوْعِ نَبِيٌّ نَمْحَرِّ لِدَبَعِ
دُحْلِ الشَّمِّ قَفْنٌ أَوْلُ مُمْكَدَحٌ إِنْ يَبْأَخْصَأُ نَمَّ أَدْحَأُ أَوْبُسَاتِ أَلْ : مَلَسَ وَهَيْ لَعِ
مُتِّيَّ أَرَادَا يُدْمَرَّتْ لَلْوِ : عَقَبْرَأَلْ أَوْرُ : هَفِي صَنَ أَلْ وَ مَوْحَأُ دُمَّ كَرْدَأُ أَمَّ أَبَدَدُ
مُكْرَشِ لَعْلَهُ لَأَقُوهُ لَوُوقِ يَبْأَخْصَأُ نَوْبُسَيَّ نَبِيٌّ دَلَّ

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Холид ибн Валид билан Абдурраҳмон ибн Авфнинг ўртасида бир

гап ўтган эди. Бас, Холид уни сўқди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Саҳобаларимдан бирортасини ҳам сўқманглар! Сизлардан бирингиз Уҳуд мислича олтин нафақа қилса ҳам, улардан бирининг муддича ёки ярим муддичасига ета олмас», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривояти:

«Қачон саҳобаларимни сўқаётганларни кўрсангиз, «Сизнинг шаррингизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», денглар», дедилар».

Шарҳ: «Мудд» – оғирлик ўлчови.

Ушбу ҳадиси шарифдан бир неча хулосалар келиб чиқади:

1. Саҳобаи киромларни мутлақо сўқиб бўлмаслиги.
2. Саҳобаи киромларнинг қилган амаллари, жумладан, садақаларининг савоби ҳам кўп мартага зиёда қилиб берилиши.
3. Саҳобаи киромларни сўқиш шарр – ёмонлик эканлиги.
4. Саҳобаи киромларнинг сўқилаётганига гувоҳ бўлиб қолган киши у зотларни ҳимоя қилмоғи лозимлиги.
5. Саҳобаи киромларни сўққан одамларга: «Сизнинг шаррингизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейиш лозимлиги.

Юқорида ўрганган ояти карималар ва ҳадиси шарифлар саҳобаи киромларнинг фазллари қанчалик улуғ эканлигини, уларни эҳтиром қилиш ва эъзозлаш лозимлигини кўрсатади. Биз, мусулмонлар бу ишни ихлос билан бажармоғимиз лозим. Шу билан бирга, ўзимиз бу улуғ инсонларнинг ҳеч бирларини сўқишга журъат қилмаслигимиз, баъзи бир ушбу нобакорликни қиладиганлар чиқиб қолгудек бўлса, уларни бу ишдан қайтаришимиз керак бўлади.

Энди саҳобаи киромлар ҳақида асар бўлиб қолган баъзи бир фикрларни ҳам ўрганайлик.

Абу Нуъайм «Ҳилиятул авлиё»да Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Аллоҳ таоло бандаларининг қалбларига назар солиб, Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламни ихтиёр қилди ва у зотни Ўз рисоласи ила юбориб, Ўз илми ила танлаб олди. Сўнгра у зотдан кейинги одамларнинг қалбларига назар солди ва у зотнинг саҳобаларини танлаб олди. Бас, уларни Ўз динининг ёрдамчилари ва Набийсининг вазирлари қилди».

Абу Нуъайм Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Ким бировнинг суннатини оладиган бўлса, вафот этган кишининг суннатини олсин. Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ушбу умматнинг энг қалби яхшилари, энг илми чуқурлари ва энг такаллуфи озлари эдилар. Улар Аллоҳ таоло

томонидан У Зотнинг Набийсига саҳоба бўлиш учун ва У Зотнинг динини нақл қилиш учун танлаб олинган қавм эдилар. Бас, уларнинг ахлоқлари ва тутган йўлларига ўхшашга урининглар. Каъбанинг Роббиси бўлган Аллоҳ ила қасамки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари мустақим ҳидоятда эдилар». («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан). Валлоҳу аълам!